**“Келишилди”**
Ўзбекистон ошпазлар Уюшмаси
раиси
____________**А.Умаров**
«___»________2021 й.

**“Тасдиқлайман”**
Олий ва ўрта махсус таълим вазири
ўринбосари
____________**У.Бегимкулов**
«___»________2021 й.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон қарори 51-бандига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчиларни соғлом овқатланишини ташкил этиш бўйича 2021 - 2022 йилларга мўлжалланган**

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| № | Тадбирлар | Бажариш муддати | Молиявий манбаалар | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ошхоналардаги ошпаз ва ошпаз ёрдамчиларининг маълумоти, мутахассислиги, иш тажрибаси, малакасини оширганлиги ҳамда тегишли сертификатга эга эканлиги бўйича хатловдан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш режа жадвалини шакллантириб, Ўзбекистон ошпазлар уюшмасига тақдим этиш. | 2021 йил июнь | - | Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси (Ф. Эсанбобоев) |
| 2. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ошхоналардаги ошпаз ва ошпаз ёрдамчиларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2021 йил май | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази (Т. Умаралиев) |
| 3. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ошхоналардаги ошпаз ва ошпаз ёрдамчилари учун соғлом овқатланиш мавзулари бўйича махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш *(масофавий ва анъанавий усулларда)*. | Белгиланган режа асосида | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази, ўқув ишлари бошқармаси (О. Темиров), Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси (Ф. Эсанбобоев) |
| 4. | Ёшларни тўғри овқатланишини ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида ошпазларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилиш *(масофавий ва анъанавий усулларда)*. | Буюртма асосида | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази, ўқув ишлари бошқармаси (О.Темиров) |
| 5. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ошхоналардаги ошпаз ва ошпаз ёрдамчилари учун умумий овқатланиш, сервис ва соғлом овқатланиш билан боғлиқ янгиликлар, соҳада юзага келаётган ўзгаришлар, соғлом ва тўғри овқатланиш билан боғлиқ замонавий тажрибалар, ўзбек миллий пазандачилик хусусиятлари ва анъаналари юзасидан махсус тренинглар ҳамда маҳорат дарсларини онлайн шаклда ташкил этиш. | 2021-2022 йиллар Режа асосида | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, уюшманинг ҳудудий вакиллари, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази (Т. Умаралиев), Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси (Ф. Эсанбобоев) |
| 6. | Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ошхоналарини технологик жиҳозлар ва анжомлар билан таъминланиши ва жойлаштириш бўйича тавсиялар бериш ва ошхона фаолиятини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш. | 2021-2022 йиллар | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази (Т. Умаралиев) |
| 7. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ошхоналарида кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган, тажрибали, маҳоратли ва ўз ишини яхши ўзлаштирган аммо мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ошпазларни валидациядан ўтказиш ва уларнинг касбий маҳорати бўйича тоифаларини белгилаш. | 2021-2022 йиллар | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази, ўқув ишлари бошқармаси (О. Темиров) |

**Изоҳ: Мазкур чора тадбирлар режаси таълим муассасаларида ижара шартномаси ва аутсорсинг тизими орқали фаолият юритувчи ошхоналар, ошпаз ва ошпаз ёрдамчилари учун тавсиявий характерга эга.**